

2025-yil
4-oktabr
shanba
№124
(5188)

YURT TARAQQIYOTI YO'LIDA BIRLASHAYLIK!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri



**КАСАБА УЮШМАСИ
АРАЛАШГАЧ...**

Айни пайтларда пахта йиғим-терими ишлари кизгин паллага кирган. Фермерлар ҳосилни нест-нобуд қилмай териб олиш ҳаракатида бўлиб, ҳашарчилар ёллашяпти. Бироқ айримлари пахта пулларини ўз вақтида беришни пайсалга солишяпти.

**ТЕРИМ
ПУЛЛАРИ
УНДИРИБ
БЕРИЛДИ**

Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерациясининг «Ишонч телефони»га Сирдарё вилоятининг Гулистон туманидаги фермер хўжалигида ишлаган бир гуруҳ теримчилар ўз ҳақларини олишолмаётгани ҳақида шикоят қилишди. Уларнинг мурожаатини меҳнат инспекторлари тегишли тартибда ўрганиб, масала юзасидан фермер хўжалиги раҳбари билан боғланиб ва теримчиларга 40 миллион сўм пахта пуллари ундириб берилди.

Дўстмурод ТҲИЧЕВ,
Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Меҳнат инспекцияси бошлиғи ўринбосари



Тошкент. Анҳор бўйида.
Эъзоза Умр фотолаҳзаси.

Ўзбекистонда куз

Хушфел бўлиб келмиш тупроғингга куз.
Улуғ Алишернинг соч оқин кўриб,
Оғир ҳаёлларга чўмган бу фасл,
Қайрағоч ёнида ғамгин ўтириб,
Чолларга ҳассалар йўнган бу фасл,
Азалий кўркини қилади кўз-кўз...

Абдулла ОРИПОВ
Ўзбекистон халқ шоири



Фикр-мунозараларга бой тарзда кечган учрашувга тақдир этилган меҳмонлар ва муштарийлар «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари республикамиздаги етакчи нашрга айланиш, унинг саҳифаларидаги ранг-баранг мавзулардаги чиқишлар ўқувчиларни бефарқ қолдирмаётгани, айниқса, таҳлилий ва танқидий мақолаларга кенг ўрин берилаётганини таъкидлаб ўтдилар.

Газета бош муҳаррири Ҳусан Эрматов жамоанинг ижодий режалари ҳақида сўз юритар экан, газета саҳифаларини янада ранг-баранг қилишда газетхонларнинг тақдирлари муҳим эканлигини қайд этди.

Ижодий мулоқотда сўз олган етакчи журналистлар бугун «Ishonch» газетаси ҳеч муболағасиз муштарийлар кўнглидан жой олаётгани ва меҳрини қозонаётганини таъкидлашди.

– Таҳририят жамоаси ажойиб бир анъанани маҳкам ушлаган. У ҳам бўлса, ўз муштарийлари билан учрашувлар ташкил этиб келишидир. Бу мулоқотлар, албатта, газетхон учун ҳам, ижодий жамоа учун ҳам фойдали, – деди «Жаҳон адабиёти» журнали бош

ГАЗЕТА МУШТАРИЙЛАРГА МАНЗУР (МИ?)

Фарғонадаги мулоқот мавзуси шу ҳақда бўлди

муҳаррири Аҳмаджон Мелибоев. – Шунинг учун бўлса керак, «Ishonch» газетаси жуда кўпларнинг ишончини қозонмоқда. Билдимки, Фарғона энг кўп обуначига эга вилоят экан. Бугун газетанинг ҳар бир сониди ўқувчилар диққатини тортадиган мақолалар берилмоқда. Қолаверса, менинг кўплаб мақолаларим айнан шу нашрда чиқади. Ўзим ҳам муаллиф, ҳам ўқувчи сифатида газетани биринчилардан бўлиб ўқийман.

– Гарчанд бугунги кунда интернет минг-минглаб хабарларни тарқатаётган бўлса ҳам, ҳеч қайси восита ёзма матбуот каби одамларнинг бугунги ҳаётини эртанги кунга етказа олмайди, – дейди Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директори Абдусaid Кўчимов. – «Ishonch» ўз номи билан муштарийлар ишончини оқлатмоқда. Унинг саҳифаларида ўқувчига манзур бўладиган талай мақолаларни ўқишингиз мумкин. Зукко ўқувчи билади, газета фақат касабаси уюшмалари ҳаётини эмас, балки ўзбекнинг ҳаётини ёритиб бораётган нашрдир. «Ватан» журналининг ташкил этилгани эса ўзбек матбуотида катта ўзгариш ясади. Савол туғилиши мумкин, ўзи шундоқ ҳам газетта-журналларнинг аҳоли ҳаминқадар бўлиб турганда бу журнал нега керак? Агар уни ўқиб кўрсангиз, бундан 10-15 йил олдин чиқиши кераклиги, фарзандлари-

мизга, ўзимизга, дўстларимизга айтадиган энг мураккаб, энг керакли гаплар унда мужассамлиги, тарихи-мизини ўрганилмаган нуқталарини англаш учун ҳам айнан шундай журнал кераклигини тушуниб етасиз.

– Ҳар йили таҳририят жамоаси билан учрашув фикр-мулоҳазаларга бой ўтади, – дейди Маданият, спорт ва туризм ходимлари касабаси уюшмаси Фарғона вилояти бирлашган кўмитаси раиси Манзурахон Акрамова. – Газетанинг ютуғи шундаки, унинг саҳифаларида «жиз» этадиган мақолалар, албатта, топилади. Шунингдек, «Жавобини кутаётган саволлар», «Етакчининг бир кун», «Оғриқ тишлар...» каби руқлар остида берилаётган мақолаларни маза қилиб мутлолаа қилиш мумкин.

– Газетани етказиб бериш масаласида ҳам деярли муаммо қолмади. Бугун чиққани шу куннинг ўзида қўлимизда бўляпти. Бу ҳам катта ютуқ, – дейди Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касабаси уюшмаси Фарғона вилояти кенгаши раиси Расулжон Раҳимов. – Кейинги пайтлар газета саҳифаларида ўқиш мақолалар сони ошди, таҳлилий мақолалар бисёр. Бундан ташқари, «Ishonch»нинг ижтимоий тармоқдаги саҳифалари ҳам анча жонланиб, бир-биридан қизиқ видеолар ҳалалар жойлаштирилмоқда. Бу муштарийларга ҳам манзур бўлмоқда.

«ISHONCH» КУНЛАРИ

Учрашув давомида викторина ўйини ҳам ташкил этилди. Иштирокчиларга касабаси уюшмалари ва таҳририят фаолиятига доир саволлар берилди. Тўғри жавоб берганларга «Ishonch» газетасининг бир йиллик обунаси сертификати топширилди.

– Бир йиллик обунаси сертификатини қўлга киритдим, – дейди Фарғона давлат университети талабаси Нурматжон Нейматов. – Ростки, бу менга катта совға бўлди.

Учрашувда Самарқанд вилояти «Зарафшон» ва «Самарқандский вестник» газеталари бош муҳаррири Фармон Тошев, «XXI asr» газетаси бош муҳаррири Норқобил Жалилов, «Hurriyat» газетаси бош муҳаррири Абдурасул Жумақулов, «Янги Ўзбекистон» ва «Правда Востока» газеталари бош муҳаррири Салим Дониёров, «Саодат» журнали бош муҳаррири Мунаввара Усмоновалар ҳам газета ҳақида илиқ фикрлар билдирдилар.

Жамшид ЭРГАШЕВ
«ISHONCH»



**«Ishonch»
газетхонлар ишончини
қозонмоқда (+видео)**

Фарғонада газетхонлар билан бўлиб ўтган учрашув ЎзА нигоҳида

Қуйидаги QR кодни
сканер қилинг ва
мулоқот
тафсилотлари
билан батафсил
танишинг:



www.ishonch.uz

www://

ishonch1991@yandex.uz

@

facebook.com/ishonchofficial.uz

f

https://t.me/ishonchuz_official

Telegram icon



Ўзбекистон
касаба уюшмалари
ҳаракатининг
120
йиллигига

Соҳа фахрийси Анабиби Маткаримова:

«КАСАБА УЮШМАЛАРИДА ИШЛАГАНИМДАН ФАХРЛАНАМАН»



«...1974 йилнинг декабрь ойи эди. Урганчдаги 13-мактабда директорнинг ўқув ишлари бўйича ўринбосари бўлиб ишлардим. Бир кун мени вилоят касаба уюшмалари кенгаши раиси Ойибби Худойберганова йўқлаётганини айтишди. Ўша пайтларда кенгаш Гурлан кўчасидаги бинода жойлашган эди. Йўлда кетар эканман, «Опа мени нима учун чақирган бўлиши мумкин?» деб ўйлаб бордим.

Кенгаш раиси гапни қисқа қилди: Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят кўмитаси раиси лавозимига номзодлар кўриб чиқилгани, менинг номзодим маъқул топилгани ва Тошкентга бориб, суҳбатдан ўтиб келишим кераклигини айтди. Иккиланиб қолдим. «Қайнонам жуда қаттиққўл, сўрамасам бўлмайди, олти фарзандим бор, кичкинаси беш ойлик», дедим. Раис масалани айнан шу кун ҳал қилишим кераклигини таъкидлади. Бошим қотди. Уйга бориб, турмуш ўртоғимга вазиятни тушунтирдим. Қайнонам кутилганидек: «Профсоюзда ҳеч гап йўқ, ўқитувчилигининг давом эттир», деди. Аммо Ойибби опа жамоат орасида оёрўси баланд инсон эди. Турмуш ўртоғим Рустам ака: «Анабиби, сени Ойибби опа каби инсон ҳурмат қилиб, иш тақлиф қилаяпти. Йўқ десанг, тўғри келмайди. Онамни ўзим кўндираман», деди.

Эртаси кун Тошкентга йўл олдим. «Ўзсовпроф» раиси ўринбосари Наима Маҳмудова савол-жавоб қилди. У киши кейинчалик узоқ йиллар раис лавозимида ҳам ишлаганлар. Шу тариқа 1974 йил 10 декабридан фаолият бошладим. Ишга тез киришиб кетдим. Энг навиқирон даврларим касаба уюшмаларида ўтди. Ўша пайтларда туман кенгашлари фаолияти жамоатчилик асосида йўлга қўйилганди. Фақат Урганч шаҳар кенгаши раисига маош тўланарди. Хизмат машинаси йўқ. Вилоят кенгашида уч ходим ишлаймиз. Мен ҳар доим энг илгорлар қаторида бўлишни яхши кўраман. Барча кўрсаткичларимиз республика миқёсида юқори даражада эди. Тез-тез спорт мусобақалари уюштирардик. Бадий ҳаваскорлар иштирокида танловлар ўтказилар, бошланғич ташкилот етакчилари учун семинарлар ташкил этиларди. Ўзим ҳам Москва, Ростов шаҳрида ва Исиккўлда ўтказилган семинарларда қатнашганман. Қўлимдан санаторийга кўп йўлланмалар ўтган, бирон марта дам олишга бормаганман. Ка-

саба уюшмаларидаги фаолиятим эътироф этилиб, 1981 йилда «Хурмат белгиси» ордени билан тақдирландим». Анабиби Маткаримованинг касаба уюшмалари билан боғлиқ хотиралари жуда кўп. Яқинда уни Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Хоразм вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Муяссар Раҳимова ҳамда Урганч шаҳар кенгаши раиси Сафаргул Бердиева йўқлаб борди. 83 ёшли онахон ушбу эътибордан жуда мамнун бўлди. Кези келганда, таъкидлаш жоизки, касаба уюшмалари ҳаракатининг 120 йиллиги ҳамда ўқитувчи ва мураббийлар кун муносабати билан меҳнат фахрийлари ва соҳа фидойиларини рағбатлантиришга қаратилган бу каби тадбирлар барча туманларда ўтказилди.

Онахон касаба уюшмаларида ишлаб, кўп тажриба тўплаганини, яқин дўстлар ортирганини ёдга олди. 1964 йилда Урганч давлат педагогика институтини тамомлаган тиришқоқ қиз ўша йили Урганч шаҳар 13-мактаб директорнинг ўқув ишлари бўйича ўринбосари лавозимига тайинланди. 1974-1986 йилларда Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмасининг вилоят кўмитаси раиси, кейинчалик мактаб директори, Урганч шаҳар хотин-қизлар кўмитаси раиси, маҳалла фуқаролар йиғини раиси лавозимларида фаолият юритди. 1998 йилда «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан тақдирланди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг юбилей саналари муносабати билан мукофотланган. Жорий йилда эса «Муътабар аёл» кўкрак нишонига сазовор бўлди.

Анабиби ая ўтган даврлар билан бугунги кунларни солиштирар экан, имкониятларни мамнуният билан эътироф этади.

— 1964 йилдан 2013 йилгача тик оёқда ишлаганман. Таътилга ҳам чиқмабман. Болаларим «Темир хотинмисиз» деб туришади. 2013 йилда маҳалла фуқаролар

йиғини раиси лавозимидан бўшашимга пахта монополияси сабаб бўлган. Пахта теримига ҳар кун 50-55 одам чиқарардим. 100 киши чиқаришимни талаб қилишди. Буни истамаганим учун ариза ёздим, — дея эслайди онахон. — Ҳозир мажбурий меҳнат деган нарса йўқ. Ҳар бир инсон ўз устида ишлаши, изланиши учун ҳамма шароит муҳайё.

Анабиби оладан узоқ умр кўриш сирлари ҳақида ҳам сўраймиз.

— Физика-математика ўқитувчисиман. Касаба уюшмасига ишга келганимда «русчанинг р ҳарфи»ни билмасдим. Надежда Михайловна исми котибам бор эди. Бир куни облоно мудири Матрасулов иккаламизни ёнига чақирди. Котибамга 1-синфдан 10-синфгача бўлган рус тили ва ўқиш китобларини ўқитасан, деди. Шу тариқа рус тилини ўргандим. Ҳозир араб ёзувини ўрганипман. Киши ўрганишдан ҳеч қачон тўхтамаслиги керак, — дейди онахон. — Жисмоний фаоллик ҳам зарур. Ишлаб юрган кезларимда йўлаб километр пиёда юрардим. Ҳозир ҳам ҳар кун 100 марта ўтириб тураман. Бонги ўн-ўн беш марта айланаман. Муяссар, Сафаргулга ўхшаб ҳар кун йўқлаб келадиган меҳрибон инсонлар бор, улар билан суҳбатлашаман. Маҳаллада оилавий можаро бўлса, дарров мени чақиртишади. Одамларга нафим тегиб турганидан хурсанд бўламан. Эҳсон қилишни яхши кўраман. «Муътабар аёл» учун берилган пулни ҳам маҳалладагиларга улашдим. Хайрли ишлар қилиш ҳам узоқ умр гарови деб биламан.

Онахон билан суҳбат мароқли кечди. У бизга бир фарзандидан эрта айрилгани, бу йил турмуш ўртоғи вафот этгани ҳақида қайғуриб, беш фарзанди олий маълумотли, қизлари ўқитувчи эканлиги, 17 невара, 24 эваранинг бувиysi бўлиб, бағри бутунлиқда кексалик гаштини сураётгани ҳақида эса гурурланиб гапириб берди.

Муҳаббат ТЎРАБОЕВА
«ISHONCH»

БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТНИНГ ЎРНИ ТОБОРА МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетининг 2 минг нафарга яқин профессор-ўқитувчи ва ходимлари ҳамда 16 мингдан зиёд талабаларини ижтимоий муҳофаза қилишда, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашда бошланғич касаба уюшмаси кўмитаси муҳим ўрин тутди.

Кўмита Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши томонидан белгилаб берилган устувор йўналишлар ҳамда университет маъмурияти билан тузилган жамоа шартномаси ва келишувлар асосида фаолият юритмоқда. Бунда асосий эътибор касаба уюшмаси аъзоларининг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, меҳнат ва яшаш шароитларини яхшилаш ҳамда меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш, стипендиялар, нафақалар таъминотига қаратилмоқда. Фаолиятдаги кичик камчилик ҳам университет маъмурияти билан биргаликда қисқа фурсатда ҳал этилмоқда.

Педагогларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида жисмоний тарбия ҳамда спорт бўйича тўғра ва секциялар фаолияти йўлга қўйилган, ходимлар ва талабалар ўртасида спорт мусобақалари ўтказиш мунтазамлик касб этаётди. Бунинг учун университет спорт клуби зарур жиҳозлар ва воситалар билан таъминланган. Профессор-ўқитувчилар ва ходимлар беш спорт тури бўйича «Соғлом турмуш тарзини шакллантириш ҳамда жисмоний тарбия ва тарғиб қилиш» дастури асосида мусобақаларда қатнашиб келишяпти. Яратилган шарт-шароитлар натижасида жамоаларимиз Самарқанддаги корхона ва ташкилотлар, олий ўқув юртлари жамоалари ўртасида ўтказиладиган мусобақалар, вилоятдаги спорт



тадбирларида муваффақиятли иштирок этиб, юқори ўринларни эгаллашмоқда. Ва албатта, улар касаба уюшмалари томонидан муносиб рағбатлантирилмоқда. Муассасада фаолият кўрсатаётган ходимлар ёки талабалар орасида ногиронлиги бўлган, кўп фарзандли, кам таъминланган ва иқтисодий кўмакка муҳтожлари ҳам бор. Кўмитамиз томонидан уларга биринчи навбатда ижтимоий-моддий кўмак кўрсатилиб, турмуш шароитини яхшилаш, саломатлигини тиклашга ёрдам берилади. Шунингдек, университет Нурунийлар кенгаши билан ҳамкорликда нафақадаги ходимлар ҳолидан доимий хабар олинади.

Меҳнат қилган ходим яхши ҳордиқ чиқариши керак. Шу боис маънавий-маърифий тадбирлар, юртимиз бўйлаб саёхатлар уюштириш ва касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларга йўлланма бериш фаолиятимизнинг муҳим йўналишларидан бирига айланган. Хусусан, йил давомида республикамиздаги «Зомин», «Турон», «Чинобод», «Бустон», «Бота-

ника», «Чимён», «Оқтош», «Чортоқ», Абу Али ибн Сино номидаги сиҳаттоҳ ва бошқа сиҳаттоҳларга йўлланмалар берилади. Пенсиядаги фахрийларимиз ҳам бу эътибордан четда эмас.

Ёзги таътил пайтида эса уларнинг фарзандлари бошланғич касаба уюшмаси кўмитаси ҳисобидан оромгоҳларга юборилади. Бугун юртимиздаги олий таълим муассасалари орасида бой тарих ва юқори илмий салоҳиятга эга Самарқанд давлат университетидagi бир қатор тузилма ва кенгашлар орасида бошланғич касаба уюшмаси кўмитасининг ўрни тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Устозлар ва ходимлар, талабалар эса касаба уюшмаларининг жамиятдаги ўрни қанчалик муҳимлигини ўз ҳаётлари, фаолиятлари мисолида кўриб, ҳис қилиб турибдилар.

Шавкат МАҲМАТМУРОДОВ,
Самарқанд давлат университети
бошланғич касаба уюшмаси
кўмитаси раиси

ЎҚУВ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Қорақалпоғистон кенгашида «Касаба уюшмалари бошланғич ташкилотлари ишларини устав талаблари асосида олиб бориш» мавзусида ўқув-семинар ўтказилди.

ИНТЕРАКТИВ МАШҒУЛОТЛАРГА БОЙ СЕМИНАР

Семинарда кенгаш раиси У.Жалмиев касаба уюшмалари фаолиятидаги бугунги ўзгаришлар ва 120 йиллик солномаси хусусида батафсил сўз юритди. Шундан сўнг кенгашнинг таъкилий масалалар бўлими мудири Г.Илмурадова, шунингдек, П.Туремуратов, Ў.Уразбаев, Б.Мунназаров ва бошқа етакчи мутахассисларнинг тавсия ва интерактив машғулотлари ўтказилди. Мутахассислар қатнашчиларга меъёрий ҳужжатларни тайёрлаш, жамоа шартномалари тузишнинг ҳуқуқий асослари, иш берувчи ва ходим ўртасидаги меҳнат муносабатларини тартибга солиш, маданий-маърифий ва спорт ишларини ташкил этиш масалалари бўйича тушунчалар беришди.

Фотима АБДУРАИМОВА
«ISHONCH»

НАЗАРИЁДАН АМАЛИЁТГАЧА

МЕҲНАТ ХАВФСИЗЛИГИ АСОСИЙ МАСАЛА

Меҳнат муҳофазаси — бу шунчаки қоидалар тўплами эмас, балки ҳар бир ходимнинг ҳаёти, саломатлиги ва хавфсиз иш шароити билан боғлиқ мустаҳкам тизим. Бухоро солиқ техникумида ўтказилган навбатдаги семинар айнан бу мавзунга яна бир бор кун тартибига олиб чиқди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Бухоро вилояти кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда турли корхона ва ташкилотлардан меҳнат муҳофазаси бўйича мутахассислар, соҳада фаолият юритаётган ходимлар, техни-

кум ўқитувчилари ҳамда талабалар иштирок этдилар.

Семинарда иш жойларида хавфсизлик қоидаларига риоя қилиш зарурати, бу борада йўл қўйилаётган хатолар, уларнинг оқибатида юзага келаётган бахтсиз ҳодисалар муҳокама қилинди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, юзлаб ҳалокатлар айнан хавфсизлик қоидаларига етарлича амал қилинмаётгани туфайли содир бўляпти.

Ўқувда фуқаро муҳофазасига доир мавзулар ҳам диққат марказида бўлди. Табиий офатлар, техноген

фалокатлар ёки бошқа фавқулодда ҳолатларга ташкилотларнинг тайёрилиги қай даражада экани, бу вазиятларда тўғри ҳаракат қилиш бўйича амалий кўникмалар қандай шакллантирилишига урғу берилди.

Шунингдек, семинарда меҳнат муҳофазаси соҳасидаги қонунчиликдаги янги ўзгаришлар муҳокама қилинди.

Мунаввар ЖЎРАЕВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари
Федерацияси Бухоро вилояти
кенгаши мутахассиси

МИЛЛИЙ МОНИТОРИНГ

ҲАММАСИ НАЗОРАТ ОСТИДА

Айни пайтда даладарда пахта йиғим-терими авжида. Мавсум давомида мажбурий ва болалар меҳнатига йўл қўймаслик учун Миллий мониторинг ўтказиб келинмоқда. Тошкент вилояти бўйича ҳудудий ишчи гуруҳ аъзолари ана шу мақсадда пайкал оралаб юришибди. Жумладан, улар Ўртачирмқч тумани, «Қорасув» МФЙ, «Мирза Аҳмад томорқа хизмати» МЧЖга қарашли пахта дала-сида бўлишди. Ўрганишлар жараёнида 100 нафарга яқин ҳашарчи теримга жалб этилгани ва уларга муносиб шарт-шароитлар яратилгани ойдинлашди.

Чиноз туманидаги «До-ниёр ал-Саид» фермер ҳўжа-лигида ҳам иш қизғин. Жамоа раҳбари Дилмурод Нурбоев-нинг айтишича, далада 50 на-фардан ортиқ теримчи меҳнат қилмоқда ва иссиқ овқат би-лан таъминланган. Уларни олиб келиш ва олиб кетиш учун алоҳида транспорт воси-таси ажратилган. Пахта пули ҳам ўз вақтида берилмоқда.

Муҳтасар айтганда, вило-ятнинг пахта етиштирилади-ган ҳар бир туманида маж-бурий ва болалар меҳнатига қарши назорат тадбирлари олиб борилмоқда.

Шокир ҲАЗРАТҚУЛОВ,
Ўзбекистон касаба
уюшмалари Федерацияси
Тошкент вилояти
кенгаши меҳнат техник
инспектори

Сўранг, жавоб берамиз

САВОЛ: Компаниямиз офиси бошқа туманда жойлашган. Шунинг учун масофадан туриб, онлайн ишлайман. Иш берувчи мени мажбурий тартибда офисда ишлашга ўтказиши тўғрими?

Жамолиддин РАҲМОНОВ
Сурхондарё вилояти

ЖАВОБ: Амалдаги қонунчиликка биноан, масофадан туриб ишлаш режими ходимни ишга қабул жараёнида белгиланиши мумкин. Шунингдек, масофадан туриб ишлаш режимда ишлаётган ходим иш берувчи жойлашган ҳудудга (офисга) ўтказилиши меҳнат шартномасида олдиндан кўзда тутилган бўлиши ҳам мумкин.

Шу билан бирга, қонунчилигимизда иш берувчига меҳнат шартларини ходимнинг розилигисиз ўзгартириш ҳуқуқи берилган. Хусусан, Меҳнат кодексининг 137-моддасига кўра, агар технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ишлар (маҳсулот, хизматлар) ҳажмлари қисқарганлиги муносабати билан аввалги меҳнат шартлари сақлаб қолиниши мумкин бўлмаса, иш берувчи ходим меҳнат шартномасида шарт қилиб кўрсатилган меҳнат вазифасини давом эттираётганида унинг розилигисиз меҳнат шартларини ўзгартиришга ҳақли. Фақат меҳнат шартларининг келгусидаги ўзгариш ҳақида ходимни камида икки ой олдин ёзма шаклда огоҳлантириши шарт. Огоҳлантириш муддати тугагач, ходим янги меҳнат шартларида меҳнат қилишни рад этса, у билан тузилган меҳнат шартномаси тегишли тартибда бекор қилиниши мумкин.

Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими

Урбанизация жадаллашиб, яшаш манзиллари кенгайгани сайин чиқинди билан боғлиқ муаммолар кўпайиб бормоқда. Шу боис чиқиндини қайта ишлаш кун тартибида турган долзарб масалалардан бирига айланди. Бу борада Президентимизнинг «2019 – 2028 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори дастуриламал бўлмоқда.

ЧИҚИНДИНИ «ЖИЛОВЛАСА» БЎЛАДИ

Мазкур ҳужжат асосида ишлаб чиқилган стратегияга биноан, Самарқанд вилоятида чиқиндини бошқариш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, «Мароқандобод» давлат муассасаси санитар тозалаш корхонаси «GPS» online кузатув ва рақамлаштириш тизимини феолаштирди. Чиқинди энди махсус транспорт воситасида эмас, аксинча «мотороллер»да ташилади.

Авваллари кўҳна кентнинг тарихий мавзелиридаги қатор маҳаллалардан чиқиндиларни олиб кетиш катта муаммо эди, яъни тор кўчаларга махсус транспорт воситаси сиғмасди.

– Давлатимиз раҳбари соҳага оид ўтказилган йўналишларнинг бирида чиқиндиларни ташиниш бўйича билдирган тавсия ва кўрсатмалар айни муддао бўлди, – дейди меҳнат фахрийси Бахтиёр Тошев. – Шундан сўнг замонавий, илҳам, тор йўлақларга бемалол кира оладиган электровоситалар қоримизга ярамқда. Айни пайтда шаҳарнинг тарихий мавзелиридаги 20 га яқин маҳаллада шундай тартиб жорий этилди.



– Илгари маиший чиқиндилар шундоққона уйлар рўпара-сида, очик жойда қолдирилар, бу эса қатор ноқулайликларни келтириб чиқарди, – дейди Фароғат Фозилова. – Лашша ва чивинлар дастидан қочишга жой тополмасдик. Айниқса, ундан чиқадиған нохуш ҳид атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатарди. Муаммо бартараф этилганидан шодмиз.

ҚОРАСУВ ЭНДИ ТОП-ТОЗА

Осмонўлар бинолари билан Самарқанд чиройига янада чирой бағишлаган «Қорасув» массивида ҳам чиқинди муаммоси бор эди. Чиқиндилар ҳар куни олиб кетилишига қарамай, айрим фуқаролар чиқиндисини тўғри келган жойга улоқтиришарди. Яхшиям, вазият назоратга олиниб, ҳолат ўн-гланди. Акс ҳолда, бу ер ҳам маиший чиқиндилар ошенига айланиб кетган бўларди.

Чиқиндини бошқаришнинг турли усуллари устида бош қотираётган вилоят чиқиндиларни бошқариш ва циркуляр иқтисодиётни ривожлантириш бошқармаси бу ерда ҳам янги лойиҳага қўл урди. Уларнинг саъй-ҳа-ракати билан массивдаги «Обод маскан» МФЙда еро-сти чиқинди сақловчи мажмуа ишга туширилди. 2 метр чуқурликка 4 та контейнер ўрнатилди. Уларнинг сигими 3 куб метр, яъни 500 литрни ташкил этади. Келгусида массивда бешта мана шундай ерости чиқиндихона ку-риш режалаштирилган.

МОЗИЙГА НАЗАР

Тошлар юзаси нисбатан силлиқ бўлгани учун кўп йиллардан буён маҳаллий аҳоли ушбу манзилни Сийпантош деб атайди. Унда чизилган ўқ-ёй, қуёш, таёқчалар, ов тасвирлари, буқа ва кийик каби ранг-тасвир ва ўйиб туширилган суратлар эса бу мажмуанинг қадимийлигидан дарак беради. Зеро, Чироқчи туманининг Ҳисор тоғ тизмалари этагида жойлашган бу ҳудудларда Палеолит давридан то ўрта асрларгача бўлган тарих сирлари ҳамда табиат мўъжизалари бор. Сал юқориқоқдаги Тарағай қишлоғи соҳибқирон Амир Темурнинг навқирон даврларидан ҳикоя қилса, Лангарота қишлоғи улуғ алломалар ҳаётидан сўзлайди. Гапнинг индаллосини айтганда, мазкур ҳудудда кўп минг йиллик ўтмиш ўз бўй-бастини намоеён этади.

СИЙПАНТОШ – 15 МИНГ ЙИЛЛИК МЎЪЖИЗА



Сийпантош ёдгорлиги Қуруқсой қишлоғининг ғарбий томонида қиялик бўйлаб зич жойлашган катта айвонли камар тошлардан иборат. Маълумотларга қараганда, нишаблиқдаги жинси қўмтошдан таркиб толган бу камарлар массиви юз минг йиллар олдин зилзилалар пайтида тепадан пастга силжиган, ёмғир, сув ва шамол эрозияси натижасида ковакки айвонлар шаклига кирган. Уларнинг шифтига қадимги расомлар маҳорат билан расмлар чизилган.

Маълумки, қоятош расмлари археологик ёдгорлик сифатида инсоният ўтмишининг ёзма тарихига бўлган даврини ўрганишда мажмуи манба ҳисобланади. У орқали қадимги аждодларимизнинг нафақат эстетик диди, балки диний дунёқарши, ҳўжалик машғулотлари ва кундалик турмуш тарзи ҳақида ҳам маълум тасавурларга эга бўламиз.

Бугунгача Марказий Осиё минтақасида 1300 дан ортиқ қоятош суратлари ёдгорликлари аниқланган ва ҳисобга олинган. Улардан 250 га яқини Ўзбекистон ҳудудида жойлашган. Юрти-миздаги энг қадимги қоятош расмлари Зарзут-сой ва Сийпантош номи билан аталади. ХХI аср бошларида қадимшунос олим, академик Рус-там Сулаймонов уларни аниқлашга муваффақ бўлган.

Ноб ёдгорлик Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 19 декабрдаги «Мод-дий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятни тубдан тақомил-лаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Шахри-сабз давлат музей-қўриқхонаси таркибига ки-ритилади. Биз Сийпантош мажмуаси ҳақида тўлиқроқ маълумот олиш учун музей-қўриқхона масъуллари билан боғландик.

– Сийпантошда жами 8 та камар шиф-тияе оҳра билан чизилган расмлар мажуд, – дейди музей-қўриқхона директори, тарих фан-лари доктори Наби Хушвақтов. – Шунингдек,

ёдгорликнинг ғарб тарафида 100-500 метр баландликда тошга уриб-чуқичлаб ишланган, янги петроглифлар аниқланди. Расмларда одамлар, ов сахнаси, ўқ-ёйлар ва турли гео-метрик белгилар акс этган. Шу жиҳати билан Сийпантошни шунчаки ноб ёдгорлик эмас, балки йирик мажмуа – Қоятошлардаги расм-лар галереяси, деб эътироф этсак, арзийди.

Айрим камарларга кириш қисми жуда тор. Уларга эгилган ёки ётган ҳолатда кириш мум-кин. Сийпантош қоятош расмлари орасида 66 та қўл панжалари аниқланган. Барча панжа-ларда 4 та бармоқ излари ифодаланган.

Қўл тасвири – юқори палеолит даврига оид жаҳон санъатидаги энг қадимги мавзуларидан бири. Илк бор бундай ноб суратлар 1902 йилда Альтамир, 1906 йилда Гаргас, 1907 йилда Кас-тилло ва Франциядаги Вон де Гоме, Комбарелл ва бошқа ғорлардан топилган. Уларни қадимги рассом оҳра бўёқ билан бўяган, рангни тўғри-дан-тўғри оғиздан ёки найча орқали пуфлаш услубида чизган. Бундай услуб палеолит дав-рида кўпроқ учраган. Лекин Сийпантошдаги қад-имги рассом қўл панжаларини чизишда оддий усулни қўллаган. Қўл кафтини бўяган ва уни тош юзасига босган. Бундай ҳулосага келини-шига сабаб, услубда қўл тасвирларини чизишда бармоқлар узунлигида бўшлиқлар қолади. Ай-нан шу иккинчи услуб мезолит даври қоятош расмларида ҳам учрайди. Шундан билиш мум-кинки, Сийпантош ёдгорлигининг тарихи ҳам 10-15 минг йилларга бориб тақалади.

Сийпантошда асосан оҳра билан чизилган расмлар мавжуд. Оҳра юнонча «охрос» сўзидан келиб чиққан бўлиб, «сарғиш», «сарик», «тўқ-оч жигарранг» ва «қора ранг» маъноларини англа-тади. У тупроқ таркибида темир оксиди мавжуд табиий пигмент ҳисобланади. Бундай жойлар Сийпантош ёдгорлигининг 3,5-4 километр ши-молйи тарафидаги тупроқ қатламларида уч-райди. Соҳа мутахассислари фикрига кўра, иб-

тидоий одамлар оҳрани муқаддас билишган. Сабаби, ов жараёнида ҳайвонларнинг ҳид би-лиш аъзоси ниҳоятда сезувчан бўлиб, уларни қўчитмаслик мақсадида баданларини оҳралар билан бўяб овга чиқишган. Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, қадимги рассом оҳрани тайёр-лашда асосан сув ва тупроққа турли хил ўсим-ликлар, ҳайвонлар ёғини аралаштирган, қола-верса, қўл ҳамда кўмирдан фойдаланган.

Сийпантошдаги расмлар марказида бир қанча овчилар ҳайвонларни ўрага қувлаб бора-ётгани акс этган. Орада қоятошнинг юзаси қўпо-рилиб тушган ва бўшлиқ мавжуд. Бўшлиқдан сўнг она-бола ҳайвон югуриб кетмоқда. Пастда ва ўра олдида қўлида камон ушлаган овчилар акс этган. Икки қатор чизиклар эса панжара бў-либ, улар ҳайвонларни ўрага йўналтиришга мўлжалланган. Шуниси қизиқарлики, мазкур композицияда учинчи қатор панжара ҳам мав-жуд бўлиб, унинг орасида ҳеч қандай тузоқ ёки овчи тасвирланмаган. Агар мазкур қарашни ри-вовклантирсак, биз панжара деб таъкидлаётган 28, 17, 21 донали уч қатор таёқчалар ҳудуднинг географик харитасини ҳам ифодалашни мумкин. Атрофида 4 таёқчани ўзида бирлаштирган до-ира шаклини қуёш деган назариялар ҳам мав-жуд, у композиция марказидан анча узоқда та-свирланган. Таёқчалар дарадаги баландлик сифатида берилган, деб ҳисобласак, доира шаклининг узоқроқда жойлаштирилиши кун бо-тиб, тун киришини ифодалайди. Қоронғида ов қилиш ҳайвонларни осонлик билан ўрага олиб келиш учун шароит яратди ва жараёни осон-лаштиради. Тўқ оҳра рангда берилган қўл из-лари эса диний қарашларни ифодаловчи рамз яъни ови ижобий яқунлиниши учун мадад сўра-ётган овчилар кафтни босиш орқали анимистик мулоқот қилишган, деган фаразларга келиши-мизга асос бўлади.

Сийпантош ёдгорлиги нафақат тарихий-лиги, балки олис ўтмишда яшаган аждодлари-

мизнинг турмуш тарзи, эътиқоди, маданияти ва урф-одатлари ҳақида ҳикоя қилувчи суратлар мажмуаси ҳамдир. Уни асраб қолиш, келажак авлодларга етказиш, оммалаштириш борасида салмоқли ишлар йўлга қўйилса, мақсадга муво-фиқ бўларди. Масалан, жаҳоннинг илғор давлат-ларида археология ва музейшунослик йўналиши-даги тадқиқотларнинг самарали амалий аҳамия-тини кўрсатишда ёдгорликлардаги расмларни 3D форматда ўтказиш етакчи услуб ҳисобланади.

– Франциянинг Дордонь департаменти Мон-тиньяк туманида жойлашган Ласко ёдгорлигиндан археолог Андре Глори 1900 дан зиёд расмлар то-пган. У солотрей маданиятига мансуб, хроноло-гик жиҳатдан тахминан 15-18 минг йилликларга оид, – дейди Наби Хушвақтов. – Ласко тажрибаси Ўзбекистондаги қоятош расмларини сақлаш, ўр-ганиш ва тарғиб этишда ғоят қўл келади. Асосий объект – Ласко-1 ҳозир Америка Қўшма Штатла-рида кўча кўргазма сифатида фаолият юрит-моқда. Унинг сўнги палеолит даврига мансуб расмлари 3D форматда дастуруламал, қадимда санъатнинг пайдо бўлиши, рассомлар фаолияти, чизилган расмларнинг мазмун-моҳияти ва қадим-ий ҳўжалик маданияти экранларда намоийш этилмоқда. Афсуски, мамлакатимиздаги музей экспозицияларида қоятош расмларини илмий асосланган 3D форматда намоийш этиш ишлари ҳали амалга оширилмаган.

Масаланнинг долзарблигини ҳисобга олиб, Сийпантошдаги 840 дан зиёд расмларни жонли тарзда намоийш этиш ва қадимги қа-билаларнинг ҳўжалик маданиятини жонли тарзда тиклаш борасида Шахрисабз давлат музей-қўриқхонаси Франциянинг «Археология Солсбери» ва «Duales» фирмаларининг тажри-бали компьютер дастурчилари билан халқаро ҳамкорликда йирик лойиҳа тайёрламоқда.

Баҳодир ҲАЛИМОВ
«ISHONCH»

ЭЪЛОН

ХИИ «Янгийўл ёғ-мой» АЖ акциядорлари диққатига!

ХИИ «Янгийўл ёғ-мой» АЖ акция-дорларининг навбатдаги умумий йиғилишини 2025 йил 11 октябрь (ҳафтанинг шанба куни) соат 11:30 да Янгийўл шаҳри, Самарқанд кў-часи, 352-уй манзилида ва ви-деоалоқа орқали жамиятнинг рақамли конференциялар залида ўтказилиши ҳақида маълум қи-лади.

Жамият акциядорларининг навбатдаги умумий йиғилиши кун тартибида куйидаги масала-лар муҳокама қилинади:

Умумий йиғилиш кун тартиби:
1. ХИИ «Янгийўл ёғ-мой» АЖ ак-циядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиш санок ко-миссияси таркибини тасдиқлаш;

2. ХИИ «Янгийўл ёғ-мой» АЖ ак-циядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиш санок ко-миссияси таркибини тасдиқлаш;

3. ХИИ «Янгийўл ёғ-мой» АЖ мулкни гаровга қўйган ҳолда кре-дит маблағларини олишда кафил бўлиш тўғрисида.

Жамият акциядорларининг навбатдаги умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўл-ган акциядорларнинг рўйхатини тузиш ҳамда умумий йиғилишда ўт-казилиши ҳақида хабарнома олиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар-нинг реестрини шакллантириш санаси 2025 йил 6 октябрь куни ва акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишида қат-нашиш ҳуқуқига эга бўлган акция-дорларнинг реестрини шакллан-тириш санаси 2025 йил 8 октябрь куни белгилансин.

Акциядорларни рўйхатга олиш 2025 йил 11 октябрь куни соат 10:30 дан 11:30 га қадар да-вом этади.

Йиғилишга акциядорлар шах-сини тасдиқловчи ҳужжатлари ва уларнинг вакиллари амалдаги қо-нунчиликда белгиланган тартибда тасдиқланган ишончномалар би-лан келишлари сўралади.

Жамият Кузатув кенгаши

Бир сафар китоб тақдимотида сўзга чиққан педагогика фанлари номзоди Дилмурод Муҳаммадиевнинг куйидаги фикрлари диққатимни тортди:

— Фахрлиниш ва мақтаниш сўзларининг асл маъноси битта. Кўпсонли талабалар ўртасида ўтказилган тадқиқотлар жараёнида бу тўқсон тўққиз фоиз исботини топган. Масалан, «Мен ўзбекистонлик эканлигимдан фахрланаман» ёки «Мен ўзбекистонлик эканлигим билан мақтана оламан...».

Модомки шундай экан, мен ҳам серқирра шоира ва ёзувчи, сермахсул журналист Гулчехра Жамилова билан битта туманда туғилиб ўсганим, маълум муддат маҳаллий газета таҳририятида бирга ишлаганим ва ярим асрдан буйён тез-тез мулоқотда бўлиб келаётганим билан ҳам фахрлангим, ҳам мақтангим келади.

Гулчехра опа билан илк бор танишганимда тўққизинчи синфда ўқирдим. Мактабимизда бўлган воқеаларни қозғога тушириб, таҳририятга бормганимда, бошқа устозлар қатори бу опа билан ҳам учрашиб, ундан жўяли маслаҳатлар олганман.

Кейинчалик ҳаёт бизни турли вилоят ва таҳририятларга йўллади. Шу боис ўзаро муносабатларимизда гоҳида қисқа, гоҳида узок мuddатли танавфуслар бўлиб турди. Лекин, энг муҳими, кадрдонлик меҳри қалбимизни тарк этмади. Опа-сингиллик ва ҳамкасбларга хос алоқамиз йўқолмади. Чунки опа яхши ижодкор бўлиш билан бир қаторда, бағоят камтар-камсукум, оғир-вазмин, самимий ва оқибатли, ўзбекона лутф ва латофатга эга, очик юзли аёлдир.

Гулчехра Жамилованинг каламидан тўқилган сатрлар жозибаси ҳақида адабиётшунос олимлар ва устоз ижодкорлар аллақачон ўзларининг холисона фикрларини айтиб бўлишган. Таъкидлашларича, унинг битиклари содда-самимий, ўқишли ва маънили, ўқувчининг юрагига туб-туби-гача етиб борадиган даражада таъсирли ва маънавий озуқага бойдир.

Ҳозиргача опанинг ўндан ортиқ китоби чоп этилганди. Яқинда эса «Ўзим билан юзма-юз», «Нур водийси» тўпламлари нашрдан чиқди. Уларни ўқиб, ҳар домгидек ўша сеҳр ва жозибани ҳис этдим. Босиси, иккала китоб ҳам илк сатрлариданоча ўқувчини ўзига мафтун этиб, воқеалар оғушига етаклайди.

Биринчи тўплам муаллиф туғилган ва болалиги кечган Сарқипчоқ қишлоғи тасвири билан бошланади. Бу ўнча шунчалар гўзал ва мафтункорки, унга қадам ранжиди қилган киши ўша ерда қолиб яшашни хоҳлайди. Анҳор сувининг бир маромда оқиши, офтоб нурининг мулойимлиги, кечаси юлдузларнинг олтиндек порлаши, гулларнинг очилиши, полизлар ва далааларнинг унумдорлиги, ҳатто шўра-ю янтоқларнинг гуллаши ҳам кўзларни қувонтириб, қалбларни нурафшон этади. Шаҳарда кам учрайдиган чумчуқлар галасини айтмайсизми? Бари Сарқипчоққа қараб йўл олганга ўхшайди: «Митти-митти, дўмбоқ-дўмбоқ, чаққон-чаққон! Бу жойларда насибалари бутун, берилиб «чирқ-чирқ» қилишларидан димоғлари чоғдай... Шохларда қатор тизилишиб мажлис ҳам қиладилар».

Сарқипчоқ таърифидан сўнг уни обод этишга ҳисса қўшган фидойи ва заҳматкаш инсонлар тақдирини ҳақида сўз юритиб, Бу масканда дастлаб тоза ичимлик сув тизимини барпо этган, мактаб оingan, ягона сўқмоқ йўлини кенг ва катта кўчага айлантирган, Ватан ҳимояси йўлида қаҳрамонларча курашган инсонлар ҳақидаги таъсирчан ҳикоялар қарийб юз йиллик тарихини ўзда ҳам этган. Табиийки, унга дахлдор далил-маълумотларни тўплаб,



тўғри-нотўғрилигини текшириш, сўнгра қозғога тушириш ижодкордан жуда катта меҳнат ва масъулият талаб қилади. Гулчехра опа эса бу ишни аъло даражада уddалай олган.

Қолаверса, «Ўзим билан юзма-юз»да инсонларга хос шукроналик, кечиримlilik, сабр-бардошлилик ва меҳр-оқибат каби инсоний фазилатлар юқори пафос билан баён этилади. Қишлоқ аҳлининг деярли ҳаммаси гўзал хулқи, меҳнаткаш ва оқибатли инсонлар. Муаллиф таъбири билан айтганда, «Сувратигина эмас, балки сийрати ҳам гўзал қишлоқдир бу. Одамлари ҳаётсевар. Барча эзулиқлар эртақлардан чиқиб келиб, шу қишлоқда кўним тогандек гўё. Жанжалли вазиятларда ҳам бир-бирини «сен-сен»лаш йўқ, миннат йўқ, иддао йўқ...».

Тўпламда воқеалар икки йўналишда ҳикоя қилинётгандай туюлди менга. Биринчидан, толеи балан қишлоқ ўзини эмас, ўзгаларни ўйлайдиган ташаббускор инсонларнинг эзгу савий-ҳаракатлари шарофати ўлароқ, гуллаб-ашнаб, тобора ободонлашади. Иккинчидан, шу қишлоқдаги намунали бир оилада дунёга келган қизалоқ — Гулчехра Жамилова тиниб-тинчимас ижодкор сифатида шаклланади. У Сарқипчоқнинг меҳнат машаққатларидан чўчимайдиган, кўнгли беғубор ва иродали қизи. Шу боис ижод соҳасида ҳам талай муваффақиятларга эришди. Қаламини ҳам, ўзини ҳам тиндирмади, тинмай ўқиди, ёзди. Қайси вақтли матбуот саҳифасига қарамайлик, унинг таъсирли, самимий мақоласига кўзимиз ташсирли.

Яхши эслаيمان, икки мингинчи йиллар эди ўшанда. Мен «Солиқ ва божхона хабарлари» газетаси мухбири эдим. Биласиз, жисмоний шахсларнинг даромад солиғи ҳеч қачон солиқчилар назаридан четда қолмаган. Қарангки, ижод қилиб қарчамайди-ган Гулчехра Жамилова гонорар микдори бўйича энг кўп даромад солиғи тўлайдиган журналистлардан экан. Дарҳол опа билан газета учун мақола тайёрлашга ошиқдим. У айрим саволларимга жавоб қайтарайтиб, хайрат аралаш шундай деган эди: «Солиқни ҳисоблаб чиқаришганида, мен йил давомида олган гонорарларимни сарф қилиб бўламан. Ўзи нега даромадим улушини тўлашним керак, деган савол туғилади менда. Қоғоз ва қаламга ўзим чиқим қилсам, тунлари ижод қилганимда ёқилдиган электр қуввати пулини ўзим тўласам. Боз устига, фикрлар ҳам ўзимники, қалбимдан қуйилиб келаётган бўлса...».

Кейинги суҳбатлашув асноси иккимиз ҳам бу саволга жавоб толгандай бўлдик.

Шукрки, давлатимиз бизга тинч-хотиржам яшашимиз ва эмин-эркин ишлашимиз учун зарур имкониятларни яратиб берган. Шу боис ижод курсисига ўтириб, бемалол ижод қиламиз. Бу воқеани тилга олишдан мақсадим, ижодкор опанинг тинмай қалам тебратиши, сермахсуллиги, меҳнаткашлигини яна бир бор эслатишдир.

Менимча, китоба қиритилган мўъжазгина «Қарздорлик» ҳикоясига ҳам алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Уни ўқиганимда, беихтиёр ўзим қоралаган айнан шу мавзудаги мақолаларим ёдимга тушди ва фикрларимиз монандлигини сездим. Эҳтимол, бу янгли «кўнгил жанглирини» аёл ижодкорларгина ҳис эта олишар. Чунки оила ва фарзандлар парваришига улар кўпроқ масъул бўладилар. Қалам тебратиш учун баъзан юракда жўш ураётган асов илҳомни жилволаб туриш керак. Нега? Қай бири муҳим — энг яхши уй бекаси бўлишми ёки ижод?...».

Гулчехра опа шахсий ҳаётида бу икки вазифа кўп бор бир-бири билан алмашиб кетганини қайд этади. Ёзиш меҳнатини деб, кўпинча болаларни эркалатиб яйратишга вақт тополмаганидан, қариндошлари билан дийдорлаша олмаганидан афсусланади. Бундай вазиятларни «Саодат» журналича ишлаган кезлари содир бўлган бир воқеа орқали ёрқинроқ баён этади.

Ўшанда тезкор ва юракни «жиж» эттирадиган мақолалар ёзишга уста Гулчехра опага бошқа таҳририятдан газетанинг эртаси кунини нашр этиладиган сонини учун мақола тайёрлаб беришни илтимос қилишади. Ўзига ишончи бандол опа бу топшириқни ишдан қайтгач, кечаси бажаришни режалаштиради. Бироқ уйига келиб, эшикни очгани ҳамоно оstonада бир қанча оёқ кийимлари турганини кўради ва ичкарида кўпчилик суҳбатлашаётганини сезади. Демак, уй меҳмонга тўла. Шу онда опанинг хаёлига «Мақолани қачон ва қандай ёзаман?» деган фикр келади. Бир зум ўйлиниб тургач, секин ортига қайтади. Уйдан сал нарида тепасида электр чирок ёниб турган симёғоч остидаги курсига ўтириб, сумкасидан блокнот ва ручка чиқаради-ю, мақола ёзишга киришади. Анчадан сўнг уни тугатгач, меҳмонлар олди-га кириб, «Ўэр, бугун ишдан кечроқ жавоб беришди», дея ўзини оқлайди. Бу гапига қариндошлари ишонса-да, ўзи виждонан қийналади...

Гулчехра опа яна бир армонини шундай баён этади: «Қирқ йил касбимни ардоқлаб яшадим, меҳнат машаққатларини писанд қилмадим. Ижодда муваффақиятларга ҳам эришдим. Лекин ондаек азиз қишлоғимдан олислаб кетдим. Яқинларимнинг гўзал

суҳбатларидан, кадрдон дийдорлардан, менга зор давралардан узокда яшадим. Энди азиз инсонларимга қарата дейман: «Сизлардан битмас-туганмас меҳр қарзим бор...».

Шу ўринда «Нур водийси» тўплами ҳақида ҳам бирров тўхталиб ўтсак. Унда китоб ўқишининг фойдаси тўғрисида ҳуб ажойиб фикрлар битилган. Дунёга машхўр алломалар ва донишмандларнинг мутлоаа ҳақидаги хулосалари билан бирга, опанинг ўз дунёқарашлари ҳам алоҳида бўёқларда жилоланган.

Бадий адабиётга ошно тутинган инсон, албатта, ўз мақсадига эришади. Ақли зукко, руҳияти теран, тили бурро, нотиклик маҳорати юқори бўлади. Гулчехра опа буни ривоятлар ва шахсий ҳаёти билан боғлиқ мулоҳазалар асосида исботлаб берган. Айни чоғда, барчани маънавият чирғоғини ёқишга, китоб ўқишдек хайрли машғулотга даъват этувчи куйидаги фикрларни билдирган: «Бош мия бамисоли транспорт воситаларига ўрнатилган «аккумулятор»дир, уни вақти-вақти билан зарядлаб туриш лозим бўлганидек, инсон мияси ҳам ташқаридан қувватланиб туриши керак. Буни эса китобларда жамланган билим ва дониюқлар ёрдамида бажариш мумкин! Токи, китоб бор экан, замону макон мўъжизаларга тўлиб боради. Тафаккур янада чуқурлашади, инсон юксакликлар сари тобора илғирлайди».

Шубҳасиз, муаллифнинг фойдали ишга ундови шунчаки қақирқилардан иборат эмас. Аслида унинг ўзи ҳам бошқаларга ўрнак бўладиган китобхон саналади. Опанинг тўпламдаги содда-равон тилда, ўта самимий руҳда ёзилган ҳикоялар ва ҳажвияларини ўқисангиз, бунга ўзингиз ҳам ишонч ҳосил қиласиз.

Миллий адабиётимиз намояндаларидан бири Гулчехра Жамиловани адабиётни публицистикага олиб кирган журналист, деб эътироф этган. Бу гапда жон бор. Унинг аксарият мақолаларида учта йўналиш: публицистика, проза ва поэзиянинг ўзаро уйғунлиги ҳамда ҳамоҳанглиги кузатилади. Бу унинг ўзига хос услубга эга ижодкор эканлигини аниқлатади.

Узининг эътироф этишича, опа тер тўқиб меҳнат қилишни яхши кўради ва бу ҳақда шундай деб ёзади: «Шундаям оғриниб-оғриниб яхши кўрдим меҳнатни. Бора-бора уйқуларимни олди, нимагаки кўл урсам, «тезроқ бўл», деб қистайверарди. Чарчасам, нафас рoстлагани ҳам қўймасди. Ахирги тушуниб қолдим, меҳнатнинг орқасидан фақат яхшилик келар экан. Шунинг учун унга эргашавердим. Сўнг ўзимча меҳнатга хайкал қўйдим. Қарера қарасангиз ҳам кўриниб туради бу хайкал!».

Дарҳақиқат, Гулчехра Жамилова ўзига меҳнатдан хайкал қўйган ижодкор. Эвазига «Шўхрат» медалли ва «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист» фахрий унвони билан тақдирланди, бир қанча бошқа мукофотлар соҳибасига айланди. Эл-улусга тиниб-тинчимас журналист, теран фикрли ёзувчи ва нозик дидли шоира сифатида танилди.

Ишончим комилки, опанинг ёзганларидан баҳраманд бўлган ўқувчи улрдан катта маънавий озуқа олади, дили ёришиб, ақли чархланади. Бу ҳар қандай ижодкор сингари Гулчехра Жамилова учун ҳам катта БАХТ! Мен эса юрагимга яқин шундай ижодкор опам борлигидан фахрланаман ва «Ижодингизга кўз тегмасин, бахт сизни асло тарк этмасин!» дейман.

Сабоҳат НОРБЎТАЕВА,
Ўзбекистон Журналистлар
уюшмаси аъзоси



Ҳар қандай жамиятнинг тараққиёти, унинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиши бевосита таълим сифатига боғлиқ. Хусусан, педагог кадрлар малакаси ва билим даражаси мамлакат таълим тизимининг асосий омилларидан биридир.

«КЕЛАЖАК ЎҚИТУВЧИСИ» ЛОЙИҲАСИ НИМА БЕРАДИ?

Президентимиз соҳага оид бир қатор фармон ва қарорларида малакавий амалиётни таълим жараёнининг ажралмас қисми сифатида белгилаб, унга алоҳида эътибор қаратишни таъкидлаган. Хусусан, «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қароридида малакавий ва педагогик амалиётларни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш, талабаларга назарий билимларни амалиётда мустаҳкамлаш имкониятини яратиш масалалари биринчи даражада вазифа сифатида кўрсатилган.

Айни пайтда ушбу соҳада ахборот технологиялари, интерфeол таълим усуллари кенг қўлланилмоқда. Талабалар амалиётда айнан шундай инновацион усулларни қўллашга ўргатилмоқда. Шу билан бирга, педагог кадрлар малакасини ошириш бўйича янги дастурлар ҳам ишлаб чиқилмоқда. Янги Ўзбекистон таълим тизимида педагог кадрларни тайёрлаш жараёнида «4+2» дастурининг жорий этилиши назарий ва амалий билимларни узвий боғлашда ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда. Бу эса нафақат талабаларнинг касбий малакасини оширишга, балки мамлакатимиз таълим сифати ва самардорлигини янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилади.

Янги Ўзбекистон таълимнинг мақсади юқори маалаки, замонавий пeдaгoг кадрларни тайёрлашдир. Бу эса мамлакатимиз кeлaжaғи учун мустаҳкам пoйдeвop яратади. Мана шу мақсаднинг узвий давомини Чирчиқ давлат педагогика университети фаолияти мисолида қўришимиз мумкин. Университет «Кeлaжaк ўқитувчиси» лoйиxасини амалга ошириш орқали педагогик кадрлар тайёрлашнинг янги моделини жорий этмоқда. Ушбу лoйиxа доирасида талабалар фақат назарий билимларга эга бўлибгина қолмай, балки амалиёт давомида инновацион методларни қўллаш, таълим жараёнини самарали ташкил этиш

бўйича етакчи мутахассислар билан яқиндан ишлаш имкониятига эга бўлишмоқда.

Шунингдек, университетда талабаларнинг педагогик маҳоратини оширишга қаратилган «Менторлик сари» номли ўқув-тренинглар тизимли равишда ташкил этилмоқда. Ушбу тренинглар нафақат педагогик билимларни чуқурлаштириш, балки уларни реал дарс жараёнида қўллаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Менторлар тажрибали ўқитувчилар ва илмий-педагогик ходимлар бўлиб, улар ёш мутахассисларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди, амалиётда юзага кeлaдиган мураккаб вазиятларни ҳал қилишга ёрдам бeрaди.

Университетнинг стратегик тадқиқот йўналишларидан бири — «Индивидуал таълим ёндашуви асосида дарс жараёнларини ташкил этиш механизмлари» эса педагог кадрлар тайёрлашда алоҳида аҳамият касб этмоқда. Бу ёндашув талабалар ва ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятлари, қобилиятлари ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда таълим жараёнини шахсийлаштиришга йўналтирилган. Натيجида кeлaжaк ўқитувчилари ўз дарсларида ҳар бир ўқувчига индивидуал ёндашувни самарали қўллашга тайёрланадилар.

Мазкур амалиёт ва лoйиxалар орқали Чирчиқ давлат педагогика университети Янги Ўзбекистон таълим сисъатининг талабларига тўла жавоб бeрaдиган, замонавий ва инновацион пeдaгoг кадрларни шакллантиришга ўз ҳиссасини қўшмоқда. Бу эса нафақат талабаларнинг касбий тайёрларлигини ошириш, балки мамлакат таълим тизимининг сифат ва самардорлигини янада мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилиши шубҳасиз.

Шерзод НОРМАТАЛИЕВ,
Чирчиқ давлат педагогика университети
Талабалар амалиёти бўлими бошлиғи

БҮЮК ИПАК ЙЎЛИДА



Ўзбекистон касаба уюшмалари ҳаракатининг 120 йиллиги муносабати билан сирдарёлик бир гуруҳ касаба уюшмалари фаоллари ва фахрийларининг Қозоғистоннинг Туркистон шаҳрига саёҳати уюштирилди.

— Юмшоқ ўринли автоулов, меҳмонхонадаги иззат-қиром, аёлиё зотлар зиёрати, маданий-маърифий тадбирлар — ҳам

Мароқли дам олинг, азиз газетхон!



Илҳом Жўраев ижросида
«АЗИЗ ДЎСТЛАРИМ»
қўшиғи

Ахтарганим, излаганим — дўстларим!
Қайга борсам, кўзлаганим — дўстларим!
Эл-юртимга сўзлаганим — дўстларим!
Доим омон бўлинг, азиз дўстларим!

MUASSIS:

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Doverie» gazetalarini tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV (tahrir hay'ati raisi).

Ulug'bek JALMENOVI, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfulla AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'Q'IBNANAZAROVA, Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Mehrididdin SHUKUROV (Mas'ul kotib — «Ishonchi»), Valentina MARSENYAK (Mas'ul kotib — «Ishonch-Doverie»)

Bosh muharrir Husan ERMATOV

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflik fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Bo'limlar:

Kasaba uyushmalari hayoti — (71) 256-64-69

Huquq va xalqaro hayot — (71) 256-52-89

Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — (71) 256-82-79

Xalqar va muxbirlar bilan ishlash — (71) 256-85-43

Marketing va obuna — (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:

Qoraqalpog'iston Respublikasi — (+998-99) 889-98-20

Andijon viloyati — (+998-99) 889-90-23

Buxoro viloyati — (+998-99) 889-90-31

Navoiy viloyati — (+998-99) 500-05-12

Jizzax viloyati — (+998-99) 889-90-34

Namangan viloyati — (+998-93) 213-09-66

Samarqand viloyati — (+998-99) 889-90-26

Sirdaryo viloyati — (+998-99) 889-98-55

Surxondaryo viloyati — (+998-90) 379-19-70

Toshkent viloyati — (+998-99) 600-40-44

Farg'ona viloyati — (+998-99) 889-90-24

Xorazm viloyati — (+998-99) 889-98-01

Qashqadaryo viloyati — (+998-97) 705-08-93

Navbatchi muharrir: Gulomjon MIRAHMEDOV

Musahhirlar: Dilormir XUDOYBERGANOVA

Sahifalovchi: Hasan ABDULLAJALI OV

Bosilgah topshirish vaqti — 22:00

Topshirildi — 22:30

Bahosi kelishilgan narxda

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy.

E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazetaning poligrafik jihatdan sifattii chop etilishiga bosmaxona mas'ul. Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmiylashtirgan tashkilot javobgar.

Umumiy adadi 32 080 ta

Shundan: 6 083 nusxasi

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi —

Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda;

18 116 nusxasi

«Erudit» MCHJ bosmaxonasi —

Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;

7 881 nusxasi

«Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi —

Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda chop etildi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.

Hajmi 2 bosma tabloq. Buyurtma G-1011

1 2 3 4 5 6